

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“ҚУРИЛИШ” ФАКУЛЪТЕТИ “БИНО ВА ИНШООТЛАР” кафедраси



402 -БваИҚ битирувчиси

Омонов Исмоилхон

**МАВЗУ: “Челак шахрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилга
очик террасали турар жой биноси”**

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ

Кафедра мудир:

доц. Махмудов М. М.

Диплом рахбар:

доц. Шукуров Ғ.Ш.

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа:

| | |
|---|----|
| 1. Кириш. | 3 |
| 2. Архитектуравий қурилиш қисми Дастлабки маълумотлар. | 5 |
| 3. Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар | 7 |
| 4. Хажмий-режавий ечим. | 9 |
| 5. Конструктив ечим | 11 |
| 6. Ташқи деворнинг теплофизик ҳисоби | 16 |
| 7. Конструктив ҳисоб қисми. Том ёпма плитасининг ҳисоби | 22 |
| 8. Плитани мустаҳкамлигини нормал кесимлар бўйича ҳисоблаш | 23 |
| 9. Қия кесим бўйича мустаҳкамлигини ҳисоблаш | 25 |
| 10. Салқиликни ҳисоблаш | 26 |
| 11. Юкларни ва зўриқишларни аниқлаш | 28 |
| 12. Изорани нормал кесим бўйича ҳисоблаш | 30 |
| 13. Технология ва меҳнатни муҳофаза қилиш қисми. | 36 |
| 14. Юк кўтариш асбоб-ускуналари | 37 |
| 15. Қурилишни ташкил этиш қисми. Алоҳида объект қурилиш лойихасини тузиш | 53 |
| 16. Фойдаланилган адабиётлар | 66 |

К И Р И Ш

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мамлакатимизнинг келажаги қурилиш ва қурилиш техникасининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида кейинги пайтларда фуқаро бинолари жумладан турар жой биноларини қурилишига эътибор қаратилмоқда ва қурилмоқда. Бундай жамоат ва турар жой бинолари ва иншоотларни лойиҳалаш ва қурилиш давлат лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришиб иқтисодиятда бозор муносабатлари ривожланиши билан қурилиш соҳасида ҳам ҳиссадорлик жамиятлари, шикатлар ва хусусий қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади. Лекин қурилиш ишларини механизациялаш асосида индустриал усулларда бажариш, типлаштирилган ва стандартлаштирилган қурилиш конструкциялари ва буюмлардан фойдаланиш ўз аҳамиятини йўқотмаслиги кўриниб турибди.

Кейинги йилларда республикамызда ғишт ва енгил бетонлардан майда де-вор блоклари ишлаб чиқариш бир мунча кўпайди.

Ўзбекистонда қурилиш бўйича илмий-текшириш институтлари мавжуд. Янги типдаги жамоат бинолари қурилмоқда. Бунда халқимиз турмушидаги ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Қурилишнинг ривожланиши билан отроф муҳитни муҳофаза қилишни узвий боғлиқ ҳолда ҳал этиш муҳим ва долзарб масаладир. Бунга эътиборни кучайтириш лозим.

Ўзбекистон ҳудуди тоғлар ва текисликлар, чўллардан иборат ям-яшил воҳаларга бой. Зилзила содир бўлиш эҳтимоли катта ва грунтлари ўта чўкувчанлик ва бошқа алоҳида хусусиятларга эга ҳудудлар мавжуд. Республика ҳудуди учун иқлимий, зилзила ва бошқа турдаги ҳудудлаштириш хариталари ишлаб чиқилган. Лойиҳачи архитектор ва қурувчининг вазифаси лойиҳаланадиган бинолар учун барча шароитларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг энг оқи-лона ечимларини топишдир.

Шу сабабли мен танлаган диплом ишимни мавзуси: **Челак шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очиқ террасали турар жой биноси.**

АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

Дастлабки маълумотлар:

Самарқанд вилояти Челак шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очик террасали турар жой биносини лойиҳалашда қуйидаги маълумотлар этиборга олинган. Турар жой бинолари ва ишлаб чиқариш биносини лойиҳалашда Ўзбекистон республикаси ҳудудининг зоналарга бўлинишига мос равишда амалга оширилган. ҚМҚ 2.01.01-94 га асосан Самарқанд вилояти биноси II- а, -зонада жойлашган. IV г-зонада иқлимий шароитлари муътадилга хос иқлим кучли таъсир кўрсатадиган, киши совуқ келадиган муҳитни қамраб олган. ҚМҚ 2.01.01-94. “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар” Шунинг учун шундай лойиҳавий ечим ишлаб чиқилган, бунда ташқи муҳит шароитларидан (ўсимликлар, кўкаламзорлар ва боғлардан, сув ҳавзалари, оромбағш ҳавоси) тўлиқ фойдаланилган, шунингдек маҳаллий шамолларнинг асосий йўналишлари ҳисобга олинган.

Самарқанд вилояти Челак шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очик террасали турар жой биноси хоналарининг ўрни (деразалари қаратилган томонини) белгилашда хоналарга қуёш тушиб туриши, уларнинг табиий ёруғлик билан ёритилиш даражаси, ва микроиқлими, хоналарнинг қизиқ кетишдан, шамолдан ва шовқиндан ҳимояланишга оид санитария талаблари назарда тутилган. ҚМҚ 2.01.05-98. “Табиий ва сунъий ёритиш”.

Самарқанд вилояти Челак шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очик террасали турар жой биноси хоналари деразаларини уфқнинг ғарбий томонига чиқарилган бурчаги 180-290° даражадан ошмаган бўлиш керак.

Лойиҳаланаётган бино уфққа нисбатан шундай жойлашганки 21-мартдан 21 –сентябргача бўлган даврда хоналарга қуёш нурунинг тушиб туриш вақти 2,5с.

Бинони лойиҳалашда қуйидаги иссиқлик физик иқлимий кўрсаткичлар этиборга олинган.

Лойихалаш учун иқлимий маълумотлар.

Дастлабки маълумотлар ҚМҚ 2.01.01-94 ”га асосан қабул қилинган.

- Намлик зонаси: қурук;
- Энг совуқ сутканинг харорати $t_T = -18^{\circ}\text{C}$;
- Энг совуқ беш кунликнинг ўртача харорати - $t_{T5} = -14^{\circ}\text{C}$;
- Июл ойи учун ўртача ойлик харорат - $t_T^{\text{июл}} = +25.9^{\circ}\text{C}$;
- Ташқи ҳавонинг харорати тебранишларининг июл ойи учун суткалик максимал амплитудаси $A_{\text{ст}} = +25.2^{\circ}\text{C}$;

Қуёш радиацияси

- Горизонтал сиртқи максимал: $I_{\text{мак}} = 928 \text{ Вт/м}^2$;
- Горизонтал сирт учун: $I_{\text{ўр}} = 333 \text{ Вт/м}^2$;
- Ғарбга қараган вертикал сиртлар учун максимал:
Йиғинди: $I_{\text{мак}} = 740 \text{ Вт/м}^2$;
- Ғарбга қараган вертикал сиртлар учун ўртача:
Ўртача: $I_{\text{ўр}} = 169 \text{ Вт/м}^2$ ни ташкил этади.

Румб бўйича қайтарилиши 10 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезлигининг июл ойи учун минимал қиймати $V = 2,4 \text{ м/сек}$ га тенг.

Бош режа

Бинони бош режасини ишлаб чиқишда дастлаб қурилш жойини рельефи, денгиз стхидан баландлиги, қурилиш иқлим зонаси ва шамол эсишини йўналиши ҳамда шамол тезлиги эътиборга олинади. Бунинг учун дастлаб “Шамол гули” яъни шамол йўналиши графиги чизилади. Шамол йўналишини графигини чизиш учун дастлаб ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий геологик

маълумотлар ”га асосан кутб томонлари бўйича шамолнинг бош йўналишини ва тезлигини аниқлаймиз. Бу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

| Қурилиш жойи | Шамол йўналишининг қайталаниши | | | | | | | | |
|--------------|---|------------------|------------------|------------------|------------------|-----------------|-----------------|------------------|---------------|
| | Йўналиш бўйича шамолнинг ўртача тезлиги | | | | | | | | |
| Самарқанд | Январ ойи учун | Ш | ШШҚ | ШҚ | ЖШҚ | Ж | ЖҒ | Ғ | ҒШ |
| | | $\frac{3}{1.3}$ | $\frac{3}{1.2}$ | $\frac{35}{2.5}$ | $\frac{32}{2.7}$ | $\frac{2}{2.2}$ | $\frac{6}{4.2}$ | $\frac{12}{2.9}$ | $\frac{7}{2}$ |
| | Июл ойи учун | $\frac{12}{2.1}$ | $\frac{15}{2.8}$ | $\frac{38}{2.7}$ | $\frac{22}{2.4}$ | $\frac{0}{-}$ | $\frac{1}{1.4}$ | $\frac{4}{2}$ | $\frac{8}{2}$ |
| | | | | | | | | | |

Бино шовқин ўтказиш даражаси (шовқинни эшитилиши) 1-жадвалнинг 1-бандига га мос келади.

Лойihalанаётган бино IVГ-зонада жойлашган бўлгани учун қаватларнинг биринчи қават полдан потолокгача баландлиги 3,0 м ни ташкил этади. ҚМҚ 2.01.01-94. “Лойihalалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар”.

Бинодаги барча хоналарга, умумий йўлакларга, табиий ёруғлик тушиб туради. Табиий ёруғлик меъёри 2-жадвалдаги маълумотларга асосланиб қабул қилинган. Бунда хоналарнинг ёруғлик тушадиган эшик ва деразалари майдони билан мазкур хоналар полининг майдони ўртасидаги нисбат 1:5,8 дан катта эмас. IVГ - зоналарда энг кичик нисбат 1:8 га тенг. ҚМҚ 2.01.05-98. “Лойihalалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар”.

Табиий ёруғлик тушиб турадиган хоналарнинг ҳавосини янгилашиб-алмашишиб туришини таъминлаш учун уларнинг деразаларига дарчалар қўйилган.

Лойihalанаётган бинога канализация қувурлари ўрнатилган.

Лойihalанаётган бинода зарур бўлган ичимлик сув ҳамда ўт ўчириш

мақсадида фойдаланиладиган сув тармоқлари билан таъминланган, шунингдек марказлаштирилган тартибда иситиш системаларидан фойдаланиб иссиқ сув таъминоти ечилган.

Маиший-хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган иссиқ ва совуқ сувнинг сифати ГОСТ 2874-82 талабларига мос. Сув олинадиган жойларда иссиқ сувнинг ҳарорати 45°C дан юқори ва 65°C ошиб кетмайдиган даражада сақлаб турилади.

Иссиқ сув билан таъминлаш системаларида иссиқлик сув узатиш учун сув аралаштиргич ўрнатилган, уларга иссиқ сув билан совуқ сув алоҳида-алоҳида қувурларда келиб туради.

Иситувчи асбоблар сиртидаги ҳарорат 100°C . Иссиқлик тарқатувчи радиаторлар ва конвекторлар ташқи девор ёнига очиқ ҳолда ўрнатилган.

Ёнғин чиққанда ўз-ўзини ишга туширадиган, яъни автоматик равишда бошқариладиган ёнғинга қарши қурилмалар ўрнатилган темир жовонларни бинонинг биринчи қаватидаги электроцитлар ўрнатилган хонага жойлаштирилган. **ШНҚ 2.01.02-04.”Бинолар ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги”.**

Янги биноларни лойиҳалаштириш қурилиш ҳудудининг сейсмологик ҳолати параметрлари сейсмик таъсирнинг кучи ва такрорийлиги мажбурий ҳисобланган 1 ва 2 иловалар бўйича қабул қилинган. Биринчи мажбурий иловада келтирилган сейсмик таъсирнинг кучи ва такрорийлиги 8 баллни ташкил этади. **ҚМҚ 2.01.03-96.”Зилзилавий ҳудидларда қурилиш”.**

Қурилиш майдончаси нишабининг қиялиги $3^{\circ} > 15^{\circ}$, физик-геологик жараён-лар, бўлиб бино плани геометрик тўғри шакллардан ташкил топган.

Бинонинг ҳажмий -режавий ечими

Самарқанд вилояти Челақ шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очиқ террасали турар жой биноси тўртучбурчак шаклида бўлиб унинг ўзинлиги **L=21600 мм**, эни **B=7200 мм**, қаватлар баландлиги биринчи қават полдан шифтгача **3,0 м** ни ташкил қилади. Цоколь қисми эса **h_ц=0,6 м** ни ташкил этади.

Бинонинг умумий баландлиги 8,6 м. булиб икки қават қилиб лойиха қилинган.

Бинонинг қават баландлиги 3,3 метрга тенг. Бинонинг режавий ечими блоклаштиригган турар жой биноси бўлиб, яшаш хоналари икки қаватга жойлаштирилган. Ушбу яшаш биносида қуйидаги хоналар лойиха қилинган. Биринчи қаватда қуйидаги хоналар мавжуд:

1. Кириш (тамбур) жойи, юзаси-5,6 м²;
2. Зинапоя майдони, юзаси – 5,4 м²;
3. Хоналарга ўтувчи каридор-6,7 м²;
4. Ошхона- 11,9 м²;
5. Умумий меҳмонхона – 24,4 м²;
6. Ётоқхона – 10,7 м²;
7. Ювиниш хонаси – 3,7 м²;
8. Хожатхона – 1,4 м²;
9. Очиқ терасса – 17,3 м².

Бинонинг иккинчи қаватида қуйидаги хоналар лойиха қилинган:

10. Коридор – 7,5 м²;
11. Болалар ётоқханаси – 10,2 м²;
12. Умумий хона – 15,6 м²;
13. Ётоқхона -10,5 м²;
14. Ётоқхона – 11,9 м²;
15. Балкон ёзги хона – 5,6 м².

Демак яшаш хоналари икки қаватда жойлаштирилган блоклаштирилган икки хондонга мўлжалланган бинонинг яшаш майдони – 81,3 м², умумий юзаси эса 127 м² га тенг экан.

Бинонинг асосий таркибий қисми унинг элементиدير. Хоналар учун асосий нарса бу унинг функционал вазифасидир, яъни талабаларга асосан одамлар яшаши , дам олиши учун муътадил микроиклим ва шинам шароит яратиш лозим.

Бинонинг конструктив ечими

Бинонинг конструктив ечими лойҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Самарқанд вилояти Челак шаҳрида икки қаватли 6 хонали блоклаштирилган очиқ террасали турар жой биноси тўртучбурчак шаклида бўлиб унинг конструктив ечими каркассиз қилиб қабул қилинган. Бунда кўндаланг деворлар юк кўтарувчи бўлиб, юк кўтарувчи деворлар оддий ғишдан иборат.

Конструктив система бинонинг мустаҳкамлигини, устиворлигини таъминловчи, ўзаро боғланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг мажмуасидир. Конструктив системани танлаш билан бинодаги ҳар бир конструкциянинг статик роли белгилаймиз. Бинони конструктив ечими каркассиз қилиб лойиха қилинган.

Бинодаги юк кўтарувчи конструкцияларни горизонтал ва вертикал элементлардан иборат дейиш мумкин. Горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар (том ёп-малари, қаватлараро ёпмалар) ўзларига тушадиган барча вертикал юкларни қабул қилиб олиб, вертикал юк кўтарувчи конструкциялар (деворлар)га ўзатади ва вертикал юк кўтарувчи конструкция эса устунсимон пойдеворга узатади. Шу билан бирга горизонтал юк кўта рувчи конструкциялар бинодаги бикрлик диафрагмаси вазифасини ҳам бажарадилар, яъни горизонтал юклар ва таъсирларни (шамол, зилзила ва бошқа) қабул қилиб вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатадилар.

Горизонтал юкларни вертикал конструкцияларга узатишни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин (барча вертикал конструкцияларга ёки махсус верти-кал диафрагмаларга, боғловчи элементларга, ёки ҳар иккаласига ҳам).

Вертикал юк кутарувчи конструкциялар турли хил. Бу конструкцияларнинг тури конструктив системаларни турларга бўлиш учун белги бўлиб хизмат қилади.

Бино бир бири билан узвий боғланган қуйидаги конструкциялардан иборат.

Қурилиш конструкциялари деганда қурилиш ишлари жараёнида ўзаро боғланган элементлардан яралган бино ёки иншоотнинг турли вазифага мўлжалланган (бино девори, том, ёпма, пойдевор ва шунга ўхшаш) қисми тушунилади.

Юк кутарувчи девордан тушадиган юкларни заминга узатиш учун пойдевор хизмат қилади. Бинонинг узоққа чидамлиги, мустаҳкамлиги ва устиворлиги кўп жиҳатдан пойдеворнинг сифатига боғлиқ.

Пойдевор лентасимон қуйма моналитдан иборат бўлиб, унинг таглигининг эни $\delta = 1,2$ м, чуқурлиги полга нисбатан -1.6 м да жойлашган. У барча асосий деворларнинг остига қилинади. Пойдевор учун бетон синфи В 12,5 ва А1ва АII арматура турлари билан жиҳозланган. Пойдеворнинг ташқи сирти қиздирилган битум мастикаси билан икки марта суртилади.

Қурилиш жойи зилзилавий ҳудуд бўлгани сабабли пойдеворнинг юқори сиртига қалинлиги 50 мм бўлган 100 маркали цемент қоришма ётқизиш кўзда тутилган. Қоришма қатлам орасига сейсмиклиги 7 балли бўлгани учун диаметри 12 мм бўлган 4 дона бўйлама арматура ётқизилган. Бўйлама стерженлар ҳар 600 мм да кўндаланг стерженлар билан бириктирилган. Пойдеворнинг чуқурлиги ва конструктив ечими сейсмик туманлардаги сингари **ҚМҚ 2.01.03-96. „Зилзилавий ҳудудларда қурилиш“ талаблари асосида** қабул қилинган..

Ташқи деворлар бинодаги ички сунъий яратилган муҳитни ташқи муҳитдан ажратиш туради ва бино фасадининг асосий композиция вазифасини ҳамда, кўпинча, юк кўтариш вазифасини ҳам бажаради.

Бинонинг ташқи девори гишдан иборат бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 380$ мм, ўлчамлари **250x120x65 мм** ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент қум қоришмаси маркаси М50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади. Деворнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилган. Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси 1 см^2 , узунлиги 1,4 м олиниб баландлик бўйича ҳар 600 мм га битта сим тўр мўлжалланган.

Чордоқ ёпмасига тикланган, баландлиги 600 мм ли бўлган девор қисмлари арматураланган ва антисейсмик камарларга маҳкамланган.

Ички деворлар одатда юк кўтариш ҳамда тўсиқ конструкция вазифасини бажаради. Ички деворга ёрдамчи қилиб қуйма монолит узаклар ўрнатилган ва бинонинг ички устинлар орасига гишт терилган бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 120$ мм, ўлчамлари **250x120x65 мм** ни ташкил этиб, ушбу бинонинг девори цемент- қум қоришмаси маркаси М50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади. Деворнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилган. Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси 1 см^2 , узунлиги 1,4 м олиниб баландлик бўйича ҳар 500 мм га битта сим тўр мўлжалланган.

Пардадеворлар биноларнинг ички муҳитини хоналарга ажратиш учун қўлланиладиган юпқа, юк кўтармайдиган, вертикал ички тўсиқ конструкциясидир. Бинонинг пардадевори гишдан иборат бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 250$ ва 120 мм бўлиб, гиштни ўлчамлари **250x120x65 мм** ни ташкил этади. Ушбу бинонинг девори цемент қум қоришмаси маркаси М50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади..

Цоколь деворнинг 1-қават поли сатҳидан пастда жойлашган бино атрофидаги ер сатҳигача бўлган қисми бўлиб, деворни атмосфера намлиги ва бошқа таъсирлардан сақлайди, ҳамда тўғридан-тўғри пойдевор устида ётади.

Ушбу сатҳ мармар плиталар билан жиҳозланган. Унинг баландлиги 0,6м.

Бино атрофидаги асфальт қоплама - атмосфера сувларини бино атрофидан қочириш учун хизмат қилади. Бинонинг периметри буйича 2м энлиликда асфальт бетон тўшама $\delta = 80$ мм қалинликда тўшалади. Асфальт бетон тўшама тагидан $\delta = 90$ мм қалинликда щебень тўшама тўшалиб текисланади.

Қаватлараро ёпма биноларнинг ички фазосини қаватларга бўлиб турувчи горизонтал тўсиқ конструкциядир. Ора ёпма конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текис-ликлар бўйича бикр мустаҳкам. Вертикал элементларга боғланган. Бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди. Бундан ташқари қаватлараро ёпма периметри бўйича зилзилага қарши антисейсми камар темир бетон қорихма билан қуйилган.

Ора ва том ёпманинг асосий қисми йиғма темир-бетон плиталардан иборат бўлиб серияси 1.141.1 -выпуск 1, маркаси ПК72 10.АТУ, ПК72 12.АТУ, С8 бўлиб плитанинг узинлиги $L=7,2$ м; эни $B=1,20$; $1,00$ м қалинлиги $\delta = 220$ мм ни ташкил этади ва деворга таяниш масофаси 120 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

Ёпмалар конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича бикр мустаҳкам. Вертикал элементларга боғланган. Бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди.

Чордоқ том ёпмаси бинонинг устки яқунловчи ва уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсирлардан ҳимоя қилувчи қисмидир. Чордоқ том ёпмаси стропилаларининг кўндаланг кесими 50×160 мм ни ташкил қилади. Стропила пастки учи билан ташқи девор бўйлаб ётқизилган стропил ости бруси (мауэрлат) га ёки узунлиги 500-700 мм бўлган калта брусларга таянади. Мауэрлатнинг кесими 170×170 мм. Улар сейсмик белбоғга резбали метал анкерлар билан боғланади. Стропила юқоридаги учи билан томнинг тепа қиррасидаги бўйлама

прогон (хари)га таянади. Бўйлама прогон эса ички деворга таяниб турадиган устунлар устига ўрнатилади. Устунлар орасидаги масофа 3м қабул қилинган. Устунларнинг остида ички девор бўйлаб устин ости прогони (тўсини) қўйилади. Устунларнинг фазовий устиворлигини таъминлаш учун уларни қия тиргаклар ёрдамида устин ости прогонига маҳкамланган.

Стропила конструкциясининг деворга тегиб турадиган барча ёғоч элементлари (мауэрлат, устин ости прогони) толь ёки пергамин ёрдамида девордан изоляция қилинган. Бино томи тунука билан ёпилади. Тунука тагидан рейкалар ҳар 50-55 см дан ўрнатилиши талаб этилади.

Дераза блоки кесаки ва тавақалардан иборат ойнаванд конструктив элемент. Бинодаги хоналарни табиий ёритишга хизмат қилади. Дераза блоки стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали тахтадан КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.238-10 выпуск 1 ГОСТ 12506-67 уларнинг маркаси ОСП15-18; ОСП09-12, ОСП06-7.5, уларнинг улчамлари баландлиги $h=1,80$ м эни $B=1,5$ м; 1,20 м; 0,9 м; 0,6 м лардан иборат бўлган конструкциялар жойлашган.

Эшик блоки ҳам кесаки ва тавақалардан ташкил топади. Бинодаги хоналарни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади. Эшик блоки стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки материали тахтадан ёки АКВА алюминий профилардан қабул қилинади. Ёғоч эшиклар КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.136-6 выпуск 1 ГОСТ 6629-64. Уларнинг ўлчамлари баландлиги $h=2,10$ м эни $B=1$ м; 1,3 м; 0,6 м лардан ташкил топган ва уларнинг қалинлиги 62 мм дан ташкил топган. Кириш эшигининг эни 1,5 метр.

Антисейсмик камар –плиталар ўрнатилгач, ёпма ва том ёпмаси сатҳида бутун бўйлама ва кўндаланг деворлар бўйлаб монолит темир бетон антисейсмик камар ётқизилган. Юқори қаватнинг антисейсмик камарлари девордан чиқиб турувчи вертикал арматураларга боғланган. Ёпмаларга таянган антисейсмик камарлар деворнинг бутун қалинлиги бўйича ётқизилган. Антисейсмик камарлар

девордан чикан узалар билан туташади. Антисейсмик камар баландлиги 220 мм, бетонининг синфи В12,5. Антисейсмик камарнинг бўйлама арматураси 4 \varnothing 12 АІ олинган.

Поллар бинолардаги хоналардаги поллар бинонинг асосий таркибий қисми ёки элементидир. Яшаш хоналар учун асосий нарсаси бу унинг функционал вазифасидир, яъни сифатли, инсон учун шинам шароит яратиш ва санитария гигиена талабларига жавоб берадиган сирт ҳосил қилиш учун цоколь ва каватлараро ёпмалар устида ёки бевосита грунт устида пол қилинади. Лойиҳаланаётган бино турар жой биноси бўлгани учун ундан хоналарнинг фойдаланиш шароитидан келиб чиқиб, ювениш хоналарида ленолиум, яшаш хонарада ёғочдан поллар қилинган. Ёрдамчи хоналарда бетонли ва цементли поллар ўрнатилади.

Перемичкалар – деворнинг конструктив детали бўлиб дераза ва эшик ўринлари тепасида жойлашади. Юқорида жойлашган теримдан тушадиган юкни, кўтариб турувчи деворларда эса ораёпмалардан тушадиган қўшимча юкларни қабул қилиб, уларни деворга узатиш учун хизмат қилади. Перемичкалар сифатида йиғма темирбетон перемичкалар ишлатилган. Уларнинг серияси 1.138-10 выпуск 1, маркалари 2ПР 27.38.14-72 АІV, 2ПР 24.38.14-72 АІV, 2ПР 21.38.14-72 АІV, 2ПР 16.38.14-72 АІV, 2ПР 15.38.14-72 АІV, 2ПР 13.38.14-72 АІV лардан ташкил топган бўлиб уларнинг узинлиги $L=2,7$ м; 2,4 м; 2,10 м; 1,8 м; 1,6 м; 1,5 м бўлиб эни 0,3 м ва 0,19 м баландлиги $h=22$ см дан иборат бўлган конструкциялар танлаб олинган.

Ташқи деворнинг теплофизик ҳисоби.

Теплофизик ҳисоблар учун зарур бўлган маълумотларни ҚМҚ 2. 01.01.-94 ва ҚМҚ 2.01.04-97* лардан қабул қиламиз.

Қурилиш ҳудуди топшириқ бўйича Самарқанд **ВИЛОЯТИ**

Қурилиш жойи 1-намлик бўйича қуруқ зонада жойлашган.

1. Челак шахрини ташқи ҳаво ҳисобий температураси t_H сифатида куйидаги маълумотларни қабул қиламиз:

-ЭНГ совуқ суткаларнинг таъминланганлиги 0,98 бўлган ўртача температура-си $t_H^1 = -18 \text{ } ^\circ\text{C}$;

- ЭНГ совуқ суткаларнинг таъминланганлиги 0,92 бўлган ўртача температура-си $t_H^1 = -15 \text{ } ^\circ\text{C}$;

-ЭНГ совуқ беш кунликнинг таъминланганлиги 0,92 бўлган ўртача температура-си $t_H^5 = -14 \text{ } ^\circ\text{C}$;

- ЭНГ совуқ уч кунликнинг таъминланганлиги 0,92 бўлган ўртача температура-си t_H^3 , куйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$t_H^3 = \frac{t_H^1 + t_H^5}{2} = \frac{-18 - 14}{2} = -16 \text{ } ^\circ\text{C}$$

-июль ойининг ўртача температураси $t_H = +25,9 \text{ } ^\circ\text{C}$;

4. 6-иловадан учун июль ойидаги ташқи ҳаво температураси суткалик тебранишларининг максимал амплитудаси аниқлаймиз $A_{t_H} = 25,2 \text{ } ^\circ\text{C}$.

5. Конструкция деворлар бўлгани учун қўлланманинг 6-иловасидан ғарбга қараган вертикал сиртлар учун йиғинди ва ўртача қуёш радиацияси аниқлаймиз:

$$J_{max} = 740 \text{ Вт/м}^2 ; \quad J_{cp} = 169 \text{ Вт/м}^2 .$$

6. 6-иловадан учун румблар бўйича қайталаниши 16 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезликларининг июль ойи учун минимал қийматини аниқлаймиз:

$$v = 2,4 \text{ \%}_{сек} .$$

7. Тўсиқ конструкцияси ҳисобланаётган яшаш биноси хонасининг вазифасига мувофиқ равишда 1-иловадан лойиҳаланаётган хона учун ички ҳавонинг ҳисобий температураси ва нисбий намлиги аниқлаймиз: $t_B = 18 \text{ } ^\circ\text{C}$;

$$\varphi_B = 55 \% .$$

8. Аниқланган $t_B = 18 \text{ }^{\circ}\text{C}$ ва $\varphi_B = 55 \%$ қийматларга асосланиб 2-иловасидан хонанинг намлик режимини аниқлаймиз: Муътадил.

9. Хонанинг муътадил намлик режими ва қуруқ зонада жойлашганини ҳисобга олиб, 1-иловадан тўсиқ конструкциясини эксплуатация қилиш шароитини аниқлаймиз: А .

10. Девор ҳам ичкарисидан ҳам ташқарисидан қалинлиги 15 мм оҳақ қум қоришмаси билан сувалган , қоришманинг ҳажмий оғирлиги



Девор гиштдан бўлиб яхлит қилиб цемент-қум қоришмасида терилган. 9-иловадан конструкцияларни эксплуатация қилиш шароитига боғлиқ ҳолда ҳар бир материал учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини аниқлаймиз:

- сувоқ қатлам учун $\lambda_1 = \lambda_3 = 0,7 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^{\circ}\text{C})$;

- терилган гишт девор учун $\lambda_2 = 0,7 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot^{\circ}\text{C})$

Иссиқлик ўзлаштириш коэффицентини аниқлаймиз:

- сувоқ қатлам учун $s_1 = s_3 = 8,69$

- терилган гишт девор учун $\text{Вт}/(\text{м}^2\cdot^{\circ}\text{C})$.

11. Хонанинг вазифасига ва конструкциянинг турига мувофиқ равишда 7-иловадан температуранинг норматив фарқини аниқлаймиз:

$$\Delta t^H = 6 \text{ }^{\circ}\text{C}$$

12. Тўсиқ конструкция тури ва унинг сиртлари характерига боғлиқ ҳолда, 4 -иловадан ички ва ташқи сиртлар иссиқлик бериш коэффицентини ва 5 –иловадан ташқи сиртлар иссиқлик бериш коэффицентини α_H аниқлаймиз:

$$\alpha_B = 8,7 \text{ Вт}/(\text{м}^2\cdot^{\circ}\text{C}) \text{ ва } \text{Вт}/(\text{м}^2\cdot^{\circ}\text{C}) .$$

13. Тўсиқ конструкциянинг турига боғлиқ ҳолда 7-иловадан ташқи сиртнинг ташқи ҳавога нисбатан ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициентни аниқлаймиз: $n=1$.

14. 9-иловадан тўсиқ конструкция ташқи сирти материалнинг қуёш радиациясини ютиш коэффициентини аниқлаймиз: $\rho = 0,7$

А. Қиш шароити учун теплофизик ҳисоблаш

1 Гишт девор бир жинсли конструкция ҳисоблангани учун тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, (3.1) формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қаршилигини

$$\text{аниқлаймиз: } R_0 = R_B + R_K + R_H = \frac{1}{\alpha_B} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{1}{\alpha_H} = \frac{1}{8,7} + \frac{0,015}{0,7} + \frac{0,38}{0,7} + \frac{0,015}{0,7} + \frac{1}{23} = 0,744 \text{ (} m^2 \cdot ^\circ C / BT \text{)} .$$

2. (3.2) формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик инерциясини аниқлаймиз:

$$D = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \cdot S_1 + \frac{\delta_2}{\lambda_2} \cdot S_2 + \frac{\delta_3}{\lambda_3} \cdot S_3 = \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69 + \frac{0,38}{0,7} \cdot 9,2 + \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69 = 5,362 \quad (31)$$

3. $4 < D = 5,362$ бўлгани учун 11-бетдаги кўрсатмаларга биноан ташқи ҳаво-нинг ҳисобий температураси t_H сифатида 2.1 пунктда аниқланган $t_H^3 = -16 \text{ } ^\circ C$ қабул қиламиз.

4. Қуйидаги (1.13) формула ёрдамида конструкция учун иссиқлик ўтказишга қаршилиқнинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз:

$$R_0^{TP} = \frac{(t_B - t_H) \cdot n}{\Delta t^H \cdot \alpha_B} = \frac{(18 + 16) \cdot 1}{6 \cdot 8,7} = 0,64 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / BT$$

5. $R_0 \geq R_0^{TP}$ шартнинг бажарилиши текшириб кўрамиз:

$$R_0 = 0,744 > R_0^{TP} = 0,64 \text{ м}^2 \cdot \text{°C} / \text{Вт}$$

шарт бажарилганлиги, яъни конструкциянинг иссиқлик ўтказишга умумий қар-шилиги етарли бўлгани учун конструкцияни иссиқлик устиворлигини текши-ришга ўтамиз.

6. Девор учун $D=5,362>4$, бу ҳолда конструкциянинг иссиқлик устиворли-ги ҳисобламаслик мумкин. Лекин ҳисоблашни ўрганиш мақсадида конструкция-нинг иссиқлик устиворлигини ҳисоблаймиз.

Б. Ёз шароити учун теплофизик ҳисоблаш

1. Юқоридаги (31) формула бўйича конструкция қатламларининг иссиқлик инерцияларини аниқлаймиз:

-биринчи қатлам учун:
$$D_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \cdot S_1 = \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69 = 0,186 \text{ ;}$$

-иккинчи қатлам учун:
$$D_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} \cdot S_2 = \frac{0,38}{0,7} \cdot 9,2 = 4,99 \text{ ;}$$

-учинчи қатлам учун:
$$D_3 = D_1 = 0,186 \text{ .}$$

D_1, D_2, D_3 ларнинг қийматларига мувофиқ равишда қатламлар ташқи сиртлари-нинг иссиқлик ўзлаштирма коэффицентларини аниқлаймиз:

-биринчи қатлам учун: $D_1 = 0,186 < 1$ шунинг учун ν_1 нинг қийматини қуйи-даги

формула ёрдамида аниқлаймиз:
$$\nu_1 = \frac{R_1 \cdot S_1^2 + \alpha_B}{1 + R_1 \cdot \alpha_B} = \frac{\frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69^2 + 8,7}{1 + \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,7} = 8,67 \text{ Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{°C} ;$$

-иккинчи қатлам учун: $D_2 = 4,99 > 1$ бўлгани учун ташқи сиртининг иссиқлик ўзлаштириш коэффиценти ν_2 материалнинг иссиқлик ўзлаштириш коэффици-енти s_2 га тенг, яъни
$$\nu_2 = \boxed{\text{X}} \text{ Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{°C} ;$$

-учинчи қатлам учун: $D_3 = 0,186 < 1$ сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэф-
фициентини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Y_3 = \frac{R_3 \cdot S_3^2 + Y_2}{1 + R_1 \cdot Y_2} = \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69^2 + 9,2 = 9,13 \text{ Вт / м}^2 \cdot \text{°C};$$

2. Қуйидаги формула ёрдамида ёз шароити учун ташқи сирт иссиқлик бериш
коэффициентини аниқлаймиз: $\alpha_H = 1,16 \cdot (5 + 10 \cdot \sqrt{v}) = 1,16 (5 + 10 \sqrt{2,4}) = 21,8 \text{ Вт / м}^2 \cdot \text{°C}.$

3. (1.23) формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида темпера-тура
ўзгаришлари амплитудасининг конструкциядан ўтишдаги сўниши аниқ-лаймиз:

$$\begin{aligned} v &= 0,9 e^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(S_1 + \alpha_B) \cdot (S_2 + Y_1) \cdots (S_n + Y_{n-1})(\alpha_H + Y_n)}{(S_1 + Y_1)(S_2 + Y_2) \cdots (S_n + Y_n) \alpha_H} = \\ &= 0,9 e^{\frac{5,362}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(8,69 + 8,7)(9,2 + 8,67)(8,69 + 9,2)(21,8 + 7,84)}{(8,69 + 8,67)(9,2 + 9,2)(8,69 + 7,84) \cdot 21,8} = \\ &= 0,9 \cdot e^{3,725} \frac{17,59 \cdot 17,87 \cdot 17,89 \cdot 29,64}{17,36 \cdot 18,4 \cdot 16,58 \cdot 21,8} = 57,3 \end{aligned}$$

4. Қуйидаги формула ёрдамида ташқи ҳаво температураси ўзгаришларининг
ҳисобий амплитудасини аниқлаймиз:

$$A_{t_H}^{расч} = 0,5 A_{t_H} + \frac{\rho (J_{max} - J_{cp})}{\alpha_H} = 0,5 \cdot 23,4 + \frac{0,7(721 - 163)}{21,8} = 30,03 \text{ °C}$$

5. Тўсиқ конструкция ички сиртидаги температура ўзгаришлари амплитуда-
сини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$A_{\tau_B} = \frac{A_{t_H}^{расч}}{v} = \frac{30,03}{57,3} = 0,53 \text{ °C}$$

6. Қуйидаги формула ёрдамида бу амплитуданинг талаб этилган қиймати
аниқлаймиз:

$$A_{\tau_B}^{TP} = 2,5 - 0,1(t_H - 21) = 2,5 - 0,1(30,4 - 21) = 1,89 \text{ °C}$$

бу ерда t_H - июль ойининг ўртача температураси °C. 7. $A_{\tau_B} \leq A_{\tau_B}^{TP}$ шартнинг
бажарилиши текшириб кўрамиз: $A_{\tau_B} = 0,53 < A_{\tau_B}^{TP} = 1,89$ шарт бажарилди, демак
тўсиқ конструкциянинг иссиқлик устиворлиги етарли.

КОНСТРУКТИВ ҲИСОБ ҚИСМИ

Том ёпма плитасининг ҳисоби

Ичи ғовакли СПК 59-АШ в плитани лойихалаш.

Плитани размерлари 7.186x1.19 м.

Бетон синфи В30.

$R_b=17.0$ МПа

$R_{bt}=1.2$ МПа

$R_{b,ser}=1.8$ МПа

$R_{bt,ser}=22$ МПа

$E_b=32.5 \cdot 10^3$ МПа табиий шароитда қотганда арматура АШ в $R_s=400$ МПа, $E_s=18 \cdot 10^5$ МПа табиий равоқлар ва плитага таъсир қилувчи юклар ҳисобий равоқ.

$l_0=7186-200-100/2=6936$ мм=6,936 м.

Том ёпманинг 1 м² га тўғри келадиган ҳисобий юк 1- жадвалга келтирилган.

| Юкнинг турлари | Юкнинг норматив қиймати, кН/м ² | Юк бўйича ишонччилик коэффиценти | Тайёрланиш бўйича ишонччилик коэффиценти | Ҳисобий юк кН/м ² |
|-----------------------------------|--|----------------------------------|--|------------------------------|
| Доимий юк | | | | |
| Манзарали пол | 0.40 | 1.3 | 0.95 | 0.494 |
| Б=20 мм=20кН м ³ | | | | |
| Цемент қатлам | 100 | 1.3 | 0.95 | 1.235 |
| Б=50 мм S=20 | | | | |
| Салқилик қатлам Б=3100 мм, р=10 м | 1.0 2.75 | 1.3 1.1 | 0.95 0.95 | 1.235 |
| Жами | 5.15 | | | |
| Ҳисобий юк | 2.0 | 1.2 | 0.95 | 2.28 |
| Умумий юк | 7.15 | | | 8.12 |

Плитани 1 метрга тушадагин юк агар плитанинг эни 1.189 м бўлса

$$\gamma_b > 1.0 \text{ бўлганда } Q = 5.838 * 1.19 = 6.95 \text{ кН/м}$$

$$V_1 = 1.0 \text{ бўлганда } Q^n = 5.15 * 1.19 = 6.13 \text{ кН/м}$$

Муваққат юк.

$$\gamma_f = 1.0 \text{ бўлганда } V = 2.28 * 1.19 = 2.71 \text{ кН/м}$$

$$\gamma_f = 1.0 \text{ бўлганда } V^n = 2.0 * 1.19 = 2.38 \text{ кН/м}$$

Умумий юк.

$$\gamma_f > 1.0 \text{ бўлганда } q = 6.95 + 2.71 = 9.66 \text{ кН/м}$$

$$\gamma_f = 1.0 \text{ бўлганда } q^n = 5.838 + 2.38 = 8.22 \text{ кН/м}$$

Нормати ва нисбий юкдан хосил бўладиган зўриқишлар.

Хисобий юкдан

$$M = \frac{ql^2}{8} = \frac{9.66 * 5.71^2}{8} = 39.37 \text{ кН/м}$$

$$Q = \frac{ql}{2} = \frac{9.66 * 5.71}{2} = 27.6 \text{ кН/м}$$

Норматив юкдан

$$M_n = \frac{q_n l^2}{8} = \frac{8.22 * 5.71^2}{8} = 23.48 \text{ кН * м}$$

$$Q_n = \frac{q_n l}{2} = \frac{8.22 * 5.71}{2} = 23.48 \text{ кН}$$

Ишчи баландлик

Нисбий ўлчамлар

Плитани мустахкамлигини нормал кесимлар бўйича хисоблаш.

$M = 39.37 \text{ кН}$.

$$L_m = \frac{M}{R_b b p n_3} = \frac{39.37 * 10.5}{17(100) * 0.9 * 117 * 19^2} = 0.053$$

$$\partial_m = \frac{M}{R_b b p n}$$

$$L_m = 0.053 \rightarrow \varepsilon = 0.053 \rightarrow \varphi = 0.975$$

Унда $\alpha = \xi \cdot h_0 = 0.053 \cdot 19 = 0.95 \text{ см} < b_e = 3 \text{ см}$ нейтрал ўқ орасидан ўтаяпти. Арматура кесим юзаси

$$A_s = \frac{M}{R_s \gamma_{sb} \eta h} = \frac{39.37 \cdot 10^5}{400 \cdot 0.975 \cdot 0.9 \cdot 19(100)} = 5.92 \text{ см}^2$$

Топилган $A_s = 5.92 \text{ см}^2$ га арматура қабул қиламиз. 3Ø16 А-III қабул қиламиз.

$$A_s = 6.03 \text{ см}^2 > 5.92 \text{ см}^2 \quad 4 \text{ Ø14 А-III}$$

Юқори ва пастки қисмга конструктив равишда 2 та тўр танлаймиз.

$$\frac{C - 1.5Bp - 250}{4Bp - 250} * 1170 * 570 \frac{25}{20}$$

$$A_s = 5 * 0.116 = 0.58 \text{ см}^2 \text{ унда жами}$$

$$EA_s = 0.58 + 6.03 = 6.61 \text{ см}^2$$

Плитани қия кесим бўйича мустахкамлигини ҳисоблаш.

Қуйидаги шартлардан текшираамиз.

1-шарт:

$$Q = 27 * 6.13 \text{ кН} < 0.3 V_n * V_b * R_b * b * R_0 = 0.3 * 0.847 * 17 * 21.6 * 19 * 10^{-1} = 117.28 \text{ кН.}$$

$$V_b = 1 - 0.01; \quad b_b = 1 * 0.01 * 17 * 0.9 = 0.847$$

$$Q = 27.6 \text{ кН} = V_{b3}(7 + V_n) R_b * b * R_0 = 0.6(1 + 0.5 * 1.2 * 0.921 * 6 * 10^{-1}) = 39.9 \text{ кН.}$$

Изорани дарз кеттишига нормал кесимлар бўйича ҳисоблаш.

$$\alpha_{crc} = a_{crc1} - a_{crc2} + a_{crc3} < c_{rcmax}$$

$$a_{crc} = \delta_{\varphi_a} * n E_s * 20(3 * 5 - 100 M)^{\sqrt[3]{a}} * \delta_e$$

$\delta = 1$ эгилувчи элементлар учун.

$\gamma = 1$ АШварматура учун

$\alpha = 16 \text{ мм}$ қабул қилинган арматура.

$$M = \frac{A_s}{bR} = \frac{6.61}{21 * 6 * 19} = 0.016 < M = 0.02$$

Демак, $M = 0.01$ қабул қиламиз.

$$\varphi_b = 1.6 - 15 * M = 1.6 - 15 * 0.01 = 1.45$$

$$G_s = \frac{M}{A_s * f} = \frac{3e * 3 * 10^5}{6.61 * 17.44} = 17152 \text{ H/cm}^2 = 171,52 \text{ Mna}$$

$$Z_1 = R_0 \left[1 - \frac{v_i * h_f * h_0 + \xi^2}{2(v_f + \xi)} \right] = 19 \left[1 - \frac{0.55 - 0.173 + 0.125^2}{2(0.55 + 0.125)} \right] = 17.44 \text{ cm}$$

$$\xi = \frac{7}{1,8 + \frac{1+518+\Delta}{10M*2}} = 0,125$$

$$\lambda = [v_f + (1 - h_f)/(2h_0)] = 0,55[1 - 3,812 * 19] = 0,425$$

$$v_f = 0,55 \frac{R_f}{h_0} = \frac{3.8}{22} = 0.173$$

$$h_0 = 19$$

$$\delta = \frac{M^n}{R_{b \text{ ser}} * b * h_0^2} = \frac{33.5 * 10^5}{22(100) * 117 * 19^2} = 0.037$$

$$\lambda_{crc} = 1 * 1 * 1 * 4.5 * \frac{271 * 52}{1.86 * 10^5} * 20(3.5 - 100 * 0.01) \sqrt[3]{n - 1} =$$

$$= 0.032 \text{ H} * \text{M} < [0,3 \text{ мм}] \text{ шарт бажарилди.}$$

Салқиликни ҳисоблаш.

Ўрта кесимдаги салқиликни қуйидаги формула орқали топилади.

$$l_{max} = \frac{S_c^2}{r_c} = \frac{5}{48} * 5.71^2 \frac{1}{2c}$$

бу ерда

$$\begin{aligned} \frac{1}{2c} &= \frac{1}{E_s A_s n^2} * \frac{MR_{red} b b^2 b_c}{R l_0} = \frac{1}{1.8 * 10^{-5} (100) * 5.61 * 19^2} = \\ &= \frac{33.5 * 10^{-5} - 0.38 * 4.6 * 22^2 * 118(100)}{0.68} = 0.232 * 10^{-10} * 30.29 * 10^5 = \\ &= 7.03 * 10^5 \end{aligned}$$

$$M_{cd} = 8.02 * \frac{5.71^2}{8} = 33.5 \text{ кН/м}$$


$$M * \alpha = \frac{E_s A_s}{b h_0 E_b} = \frac{6.61 * 1.8 * 10^5}{21.6 * 19 * 32.5 * 10^5} = 0.059$$

$$\gamma = \gamma^1 = \frac{(b \pm b)h_f}{bh_0} = \frac{(117 - 21.6)3.8}{21.6 * 19} = 0.55$$

Жадвалдан $\lambda e_{min} = 16$ агар $Ma=0.05$

$$l_{01} = 0.68 \text{ ва } R < \alpha = 0.38 \text{ унда}$$

$$f_{max} = \frac{5}{48} 5.71^2 * 7.03 * 10^{-5} = 2.387 \text{ см} < [3 \text{ см}].$$



$$M = \frac{g}{l^2} / 2 \text{ бу ерда}$$

$$g = 2 * 1.1 * 2750 * 1.1 = 7200 \text{ Н/м}$$

$$\text{бу ерда } g_n = h_{кр} * 9 = 0,11 * 25000 * 1 = 2550 \text{ кН/м}$$

$$M = 7200 * 0,72 / 2 = 1770 \text{ Н*см}$$

$$A_s = \frac{M}{Z * R_s} = \frac{1770(100)}{0.9 * 19 * 225(100)} = 0.46 \text{ см}^2$$

кабул қилинган 3Ø8 А I синч арматура етарли, илгак учун бўйлама куч

$$N = \frac{g * l}{2} = \frac{700 * 7}{2} = 32400 \text{ Н}$$

$$A_s = \frac{N}{R_s} = \frac{32400}{225(100)} = 1.44 \text{ см}^2$$

$$\text{Ø14 А } I A_s = 1,54 \text{ см}^2 > 1.44 \text{ см}^2$$

Кўп тешикли олдиндан зўртирилган ора ёпма изорани ҳисоблаш.

1.2x7.2 м изорани бинони ора ёпмасида ишлатиладиган олдиндан зўртирилган кўп тешикли изорани ҳисоблаб талаб этилади.

Изора усули В30 синфли иссиқлик таъсиридан ишов берилган бетон қўлланилади. Унинг характеристикалари.

$$R_b = 17.0 \text{ МПа}$$

$$R_{bt} = 1.2 \text{ МПа}$$

$$R_{b,ser} = 1.8 \text{ МПа}$$

$$R_{bt,ser} = 22 \text{ МПа}$$

Олдиндан зўриктирилган арматура сифвтида AV синфли арматура ишлатилади.

$R_{s,ser} = 7.8 \text{ МПа}$; $R_s = 680 \text{ МПа}$; $E_b = 32.5 \cdot 10^3 \text{ МПа}$ тўрлар ва каркаслар учун 5 Вр-I синфли арматура қўлланилади.

$$R_s = 360 \text{ МПа}, E_s = 1.7 \cdot 10^5 \text{ МПа}.$$

Арматура таянчларида электролик усулда таранглаштирилади. Зшриктирилган арматурадаги дастлабки кучланишнинг қиймати куйидаги шартдан топилади.

$$G_{sp} + \Delta G_{sp} \leq R_{sm}; G_{sp} - \Delta G_{sp} \geq R_{sv}$$

Электролик усулда таранглаштирилади.

$$\Delta G_{sp} = 30 + \frac{360}{l} = 30 + \frac{360}{6} * 90 \text{ МПа} \text{ олинади. У холда } G_{sp} \leq R_{sv} - \Delta G_{sp} = 785 - 90 = 695 \text{ МПа}.$$

$$G_{sp} = 680 \text{ МПа} \text{ қабул қиламиз.}$$

Юкларни ва зўриқишларни аниқлаш.

1 м² ора ёпмага таъсир қиладиган юкларни жадвал шаклида келтирамиз.

| Юк турлари | Меъёрий юк кН/м | Юк бўйича ишонччилик коэффициентини γ_2 | Тайинланиши бўйича коэффициентини γ_n | Ҳисобий юк кН/м |
|---|-----------------|--|--|-----------------|
| 3 қатламли рубероид линолеум пол. | 100 | 1.3 | 0.95 | 124 |
| Цементли қатлам $\alpha = 30 \text{ мм}, \rho = 2000 \text{ Н/м}^2$ | 400 | 1.3 | 0.95 | 494 |
| Товуш ўтказмайдиган ленолиум $8=60 \text{ мли } \rho = 600 \text{ кг/м}^3$ келтирилган қалинлиги 11 см га тенг бўлган кўп тешикли изора | 300 | 1.3 | 0.95 | 371 |
| $\alpha = 110 \text{ см}, \rho = 2500 \text{ кг/м}^3$ | 2750 | 1.1 | 0.95 | 2874 |

| | | | | |
|--|------|-----|------|------|
| Жами: доимий юк. Муваққат юк Ораёпмага таъсир қилувчи фойдали юк (СНиП) бўйича шу жумладан узоқ муддатли қисми. | 700 | 1.2 | 0.95 | 800 |
| Тўла юк | 5550 | | | 6143 |

Изорани ҳисобий равоғи.

$$l_0 = l - \frac{0.2}{2} - \frac{0.1}{2} = 7,2 - \frac{0.2}{2} - \frac{0.1}{2} = 7,095 \text{ м}$$

$$\sum q_n \geq 8 \text{ кН/м}^2$$

$$q = \gamma + q_n \approx 1.2 * 8 = 9.6 > 10 \text{ кН/м}^2$$

Изора эни 1.2 м бинода унинг 1 м узунликда таъсир этувчи юклар доимий меъёрий юк $q^n = 4.35 * 1.2 = 4.26 \text{ кН/м}$ доимий ҳисобий юк $q = 7,095 * 1.2 = 8,51 \text{ кН/м}$.

Муваққат юк ҳисобий қиймати.

$$p^H = 2 * 1.2 = 2.4 \text{ кН/м.}$$

$$\text{Ҳисобий қиймати } \rho = 2.28 * 1.2 = 2.74 \text{ кН/м}$$

$$\text{Меъёрий қиймати } q^n = 4.26 * 2.4 = 6.66 \text{ кН/м}$$

$$\text{Ҳисобий қиймати } q = 8.51 + 2.74 = 11.25 \text{ кН/м.}$$

Ҳисобий эгувчи моментнинг тўла қиймати.

$$M^4 = \frac{6.66 * 5.85^2}{8} = 28.50 \text{ кН * м}$$

Доимий ва узоқ муддатли юклар таъсиридаги эгувчи момент қиймати $\gamma = 1.0$ бўлганда

$$M = \frac{(1.3 * 1.2) * 6.15}{8} = 6.70 \text{ кН/м}$$

Тўла юк таъсиридан ҳосил бўлувчи кесувчи куч.

$$Q = \frac{q * l}{2} = \frac{11.25 * 5.85}{2} = 21.60 \text{ кН.}$$

Изорани нормал кесим бўйича ҳисоблаш.

Изора кўндаланг кесими $l_0 * h = 120 * 220$ бўлган тўғри тўртбурчак тўсикдан қаралади. Ҳисоблашда кўп тешикли. Изора кўштаврли кўндаланг кесимини эквиваленти кесимига алмаштирилади.

Айлана шаклидаги юзаларни худди шу юзаларга тенг бўлган тўртбурчакларга келтирамиз. Тўртбурчак баландлиги $h = 0.9$, $d = 0.9 * 15.9 = 14.3$ см, у ҳолда планкалар қалинлиги $h_s = n f^1 = (h - h_1) / 2 = (22 - 14.3) / 2 = 3.80$ см.

Келтирилган кўштаврли кесим қовурғасининг қалинлиги

$b_s = b_f^1 = b * n = 117 - 6 * 14.3 = 31.2$ см, бу ерда $b_f^1 = 117$ смли сиқилган полка эни кесимининг ишчи баландлиги

$$n_0 = h - a = 22 - 3 = 19 \text{ см.}$$

Тавр шаклидаги кесимлар учун қуйидаги шартни келтирамиз.

$$M \leq R_b \gamma b_2 b_f^1 h_f^1 (h_0 - 0.5 h_f^1)$$

$$M = 31.60 \leq 10^2 \leq 17(100) * 6.9 * 117 * 3.8 * (19 - 0.5 * 3.8) = 116.32 * 10^5 \text{ Н/см.}$$

Шарт бажарилляпти. Демак, нейтрал ўқ сиқилган полкадан ўтади ва элементни эни $b_f = b_f^1 = 117$ смга тенг бўлган тўртбурчакдагидек ҳисобланади.

Қуйидагиларни топамиз:

$$\alpha_m = \frac{M}{\gamma b_2 R_b b_f^1 h_0^2} = \frac{31.60 * 10^5}{0.9 * 1.7(100) * 117 * 19^2} = 0.049$$

Жадвалдан $G = 0.975$ ва $S = 0.05$ қийматларини топамиз.

$$\begin{aligned} \text{Сиқилиш зонасининг характеристикаси. } \omega &= 0.85 - 0.008 * \gamma b_2 R_b = \\ &= 0.85 - 0.008 * 0.9 * 17 = 0.73 \end{aligned}$$

Сиқилган зона баландлигининг чегаравий қиймати

$$R = \frac{\omega}{1 - \frac{G_{s1}}{500} * \left(1 - \frac{\omega}{1.1}\right)} = \frac{0.73}{1 + \frac{570}{500} \left(1 + \frac{0.73}{1.1}\right)} = 0.48$$

бу ерда

$$G_{s1} = R_s + 400 - G_{sp} = 680 + 400 - 510 = 570 \text{ Mna}$$

$$G_{sp} = 0,75 * 680 = 510 \text{ МПа}$$

Хамма қийматлар ҳисобга олган ҳолда арматурадаги дастлабки кучланиш.

Арматура ишлашини ҳисобга олувчи коэффициент $\gamma_{sb} = \eta - (\eta - 1)(2\xi_1\xi_p - 1)$ бу ерда $\eta = 1,15$ А V арматура учун $\gamma_{sb} = 1.15 - (1.15 - 10)(2 * 0.042) * 0.48 - 1) = 1.09 \leq 1.15$ берганлиги учун $\gamma_{sb} = 1.15$ ни қабул қиламиз.

Мустаҳкамлигини қия кесим бўйича ҳисоблаш.

Қуйидаги шартни текшираамиз.

$Q \leq 0.3 P_{w1} * \varphi_{b1} * \gamma_{b2} * R_b * b * h_0$ бу ерда

$$\varphi_{b1} = 1 - \beta * \gamma_{b2} * R_b = 1 - 0,01 * 0,9 * 17 = 0,85$$

$$\varphi_1 = 21600 \text{ H} \leq 0.3 * 1 * 0.85 * 0.9 * 17(100) * 31.2 * 19 = 231280 \text{ H.}$$

Шарт бажариляпти, демак кесим ўлчамлари етарли. Қуйидаги коэффициентларни ишлатамиз n та қовурға бўлганди

$$\varphi_s = \frac{4 * 0.75(3h_f^1)n^5}{b * h_0} * \frac{0.75 * (3 * 3.8) * 3}{31.2 * 19} = 0.22 < 0.5$$

Олдиндан зўриктирилган кучнинг қиймати

$N = P = A_{sp} * G_{sp} = 3.14 * 510(100) = 160140 \text{ Н}$ бу ерда $G_{sp} = 510 \text{ МПа}$ барча камайтиришлардан кейинги арматурадаги кучланиш

$$\varphi_n = \frac{0.1 * N}{\gamma_{b2} R_b b h_0} = \frac{0.1 * 160 + 140}{0.9 * 1.2(100) * 31.2 * 19} = 0.25 < 0.5$$

$$(1 + \varphi_n) = (1 + 0.22 + 0.75) = 1.47 < 1.5$$

$$\begin{aligned} B_b &= 4b_2(1 + \varphi_1 + \varphi_4) - \varphi_{b2} * R_{b1} * b * 1^2 = \\ &= 2 * 1.47 * 0.9 * 1.2 * (10 * 3.12 * 19^2) = 35.76 * 10^5 \text{ H} * \text{см} \end{aligned}$$

Қия кесим учун $Q_b = \varphi_{sw} = Q/r$ бўлаклиги учун

$$C = B_b / 0.5a = \frac{35.76 * 10^5}{0.5 * 21.6} = 331 \text{ см} > l_0 = 2 * 19 = 38 \text{ см}$$

$C = 38 \text{ см}$ ни қабул қиламиз, у ҳолда

$$Q_b = \frac{B_b}{C} = \frac{35.76 * 10^5}{38} = 94.10 * 10^9 \text{ H} = 94,10 \text{ кН}$$

$Q_b = 94.10 > Q = 21.6 \text{ кН}$ бўлаклиги учун кўндаланг арматуралар ҳисоб бўйича талаб қилинмайди. Кўндаланг стерженлар идара таянч камида Ø5 Вр-1S=10 см деб қабул қиламиз. Ўлчамлари 20 см деб қабул қиламиз.

Изорани чегаравий ҳолатини иккинчи узунлиги бўйича ҳисоблаш келтириш коэффициентини $\frac{E_s}{E_b} = \frac{1.9 \cdot 10^5}{2.9 \cdot 10^3} = 6.54$

Кесимни келтириш юзаси

$$S_{A_{red}} = A + d + A_{sp} = 117(3.8 + 3.8) + 12.2 - 3.8 - 3.8) * 31.2 + 6.54 * 3.14 = 1360 \text{ см}^2$$

Кесимнинг пастки томонига нисбатан статик моменти

$$S_{rb} = 8 + S_p G = 117 * 3.8(22 - 1.9) + 177 * 1.9 + 31.2 * (22 - 7.6)11 + 6.54 * 3.14 * 3 = 14786 \text{ см}^3$$

Келтирилган юза оғирлик марказидан кесимнинг пастки томони бўлган масофа

$$Y_0 = \frac{S_{sob}}{A_{red}} = \frac{14786}{1360} = 10.87 \text{ см}$$

Келтирилган кесим оғирлик марказига нисбатан инерция моменти

$$Y_{red} = Y + \alpha + A_{sp} * Y^2 = 2 * \frac{117 * 3.8^2}{12} + 117 * 3 * 8(22 - 10.87 - 1.9 + 117 * 3.8)(10.87 - 1.9)^2 + \frac{31.2(22 * 86)^3}{17} + 31.2 * (22 - 7.6) - (11 - 10.8) + 6.54 * 314 * (10.87 - 3)^2 = 83760 \text{ см}^4$$

Изора чўзилган зонаси бўйича келтирилган кесим қаршилик моменти

$$W_{red} = \frac{Y_{red}}{(h_0 - Y_0)} = \frac{83760}{(19 - 10.87)} = 10300 \text{ см}^3$$

Сиқилган зонаси

$$W_{red} = \frac{Y_{sb} * \alpha}{Y_0} = \frac{83760}{10.87} = 7706 \text{ см}^3$$

Изора келтирилган кесим юзасининг оғирлик марказидан изора кесимининг шартли ядро нуқтасигача бўлган масофа.

$$\eta = \varphi_n \frac{W_{red}}{A_{red}} = 0,85 \frac{7706}{1360} = 4,82 \text{ см}$$

Худди шунингдек сиқилган зонадан энг узок жойлашган ядро нуктасигача бўлган масофа

$$\eta^1 = \frac{0,85 - 10300}{1360} = 6,43 \text{ см}$$

Изора келтирилган кесим юзасининг чўзилган зона бўйича эластик пластик қаршилик моменти. Бу ерда кўштаврли кесим учун бўлганда кесилган хона бўйича

$W_{pe} = \gamma * W_{red} = 1.5 * 7760 = 11560 \text{ см}^3$ бу ерда $\gamma = 1,5$ кўштаврли кесим учун $2 < l_0/b = 117/31.2 = 3.75 < b$ бўлганда кесилган зона бўйича.

$$W_{pe} = 1.5 * 7760 = 11560 \text{ см}^3$$

Таранглаштирилган арматурадаги дастлабки кучланишларнинг қийматини аниқлаш.

1. Арматура кучланишнинг реакцияларини натижасида

$$G_1 = 0.03 * G_{sp} = 0.03 * 680 = 20 \text{ МПа}$$

2. Температурасининг фарқи натижасида $G_2 = 0$

Чунки температура таъсирида ишлов берилганда изора билан форма бир хил қизийди.

3. Бетоннинг қисқа вақт ичида сирланувчанлигидан арматурадаги дастлабки кучланишнинг камайиши. Бунинг учун қуйидагиларни аниқлаймиз.

$$P_{01} = A_{sp}/G_{sp} - G_1 = 3.14(680 - 20)(100) = 2072404$$

Бу куч билан келтирилган кесим оғирлик марказига бўлагн масофа

$$l_{01} = 10.87 - 3 = 7.87 \text{ см}$$

Бу куч таъсирида изоранинг таранглаштирилган арматураси жойлаштирилган сатхига бетондаги кучланиш.

$$G_{bp} = \frac{P_{01}}{A_{red}} + \frac{P_{01} * l_0 * 4_0}{Y \gamma_{sb}} = \frac{207240}{1360} + \frac{207240 * 7.87}{83760} * 10.87 =$$

$$= 363 \text{ Н/см}^2 = 363 \text{ МПа}$$

$$G_b = 40 * 0,85 \frac{G_{bp}}{R_{bp}} * 5 \text{ МПа}$$

Жами биринчи группа камайишлари

$$G_{ipsi} = G_1 + G_2 + G_3 + G_6 = 20 + 5 = 25 \text{ МПа}$$

Икинчи группа камайишлари.

1. Бетоннинг қотиши натижасида хажмий қисқаришидаги синфи В30 бўлгани учун $G_8 = 35 \text{ МПа}$

2. Бетоннинг давоми сирпанувчанлигидан

$$P_1 = A_{sp}(G_{sp} - G_{i01}) = 3.149680 - 25) * 100 = 205670 \text{ Н}$$

$$\frac{G_{bp}}{R_{bp}} = 3,60124 = 0,15 < 0,5 \text{ бўлганлиги учун } G_q = 150 * 0,85 * 0,15 = 20 \text{ МПа.}$$

